

МУГАЛЛИМ ХЭМ ҮЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРҮҮ



ISSN 2181-7138

№ 5 2020 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегенов

Редколлегия ағзалары:
Максет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Аманжол АЯПОВ
Өсербай ӘЛЕУОВ
Байрамбай ӨТЕМУРАТОВ
Қадирбай БЕКТУРДИЕВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен ҚАЗАХБАЕВ
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕЙТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Норбек ТАЙЛАКОВ
Тажибай УТЕБАЕВ
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестиріушілер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириу
Министрлиги, ӨЗПИИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хэм
хабар агентлиги тәрәпинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гууалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жууан қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим хэм үзликсиз билимлендириу» журналынан алынды, деп көрсетилуи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлұматларға автор жууанкер.

MAЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ АДЕБИЯТ

Холназаров У.Э. Тоғай Мурод ижодида инсон концептининг метафорик талқини («Ойдинда юрган одамлар» киссаси мисолида)	4
Айтбаев Д.Т. Лингвистикадаги дискурс ва матн муносабати	6
Акрамова Д.Ш. 9-11-синф ўқувчиларига инглиз тилини ўқитишда коммуникатив тренинглardan фойдаланиш технологияси	10
Қурбонова О.Б. Нутқий компетенцияларни ривожлантиришда машқ ва топшириқнинг аҳамияти	14
Саломова Н.А. Малый жанр в творчестве Н.С.Лескова	18
Бабаев Э.Т. Мотив ностальгии по родине в литературе русского зарубежья	21

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Ашурова Д.Х. Ўзбекистон олий таълим тизимида кредит модуль тизимининг аҳамияти	26
Хусанов Н.Б. Тармоқ ўзаро ҳамкорлик шароитида профессионал таълим тизими раҳбар ходимларини коммуникатив компетентлигини ривожлантиришнинг ташкилий-методик масалалари	29
Шарипова С.Б. Оилавий муносабатларда шахснинг умуммаданий дунёқарашини шакллантиришнинг педагогик имкониятлари	34
Абдуманнотов Э.А. 5-9-синф ўқувчиларида мусика туризми воситасида ватанпарварлик туйғусини такомиллаштиришнинг дидактик таъминоти	38
Нарзикулова Д. Оилада низоларнинг бартараф этишда агрессияни бошқариш тартиби	46
Давронова Д.С. Оилавий анъана ва кадрятлар асосида оилада соғлом маънавий муҳитни барқарорлаштиришнинг педагогик имкониятлари	50
Хушвақтова Г.Р. Компетенциявий ёндашув асосида оилада миллий тарбияни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш омиллари	53
Маллаева О.Б. Умумтаълим мактаби инглиз тили ўқитувчиларининг эҳтиёжларга асосланган малака ошириш механизмларини такомиллаштиришнинг педагогик шарт шaroитлари	57
Ўқтамова У.С. Талаба - кизларда тазйик ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари	62
Оразымбетов Е.К. Қорақалпоқ шоир-жировлари ижодида ватанпарварлик ғоялари	66
Хайдарова Ш.Н. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлашда муассаса ва маҳалланинг ўзаро ҳамкорлик тамойиллари	70
Норбўтаев Х. Б. Биологияни фанлараро ўқитишда ўқувчилар экологик тафаккурини ривожлантириш йўналишлари ва педагогик жиҳатларини такомиллаштириш	74
Имомкулова О.Н. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлик фаолиятини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	78
Рахимов О.Д. Миллий мейморчилик контекстида ёшларда эстетик маданиятни шакллантириш тамойиллари	81
Джураев Д.У., Жураева М.У. Педагогические особенности организации учебного дела для повышения грамотности русского населения туркестанского края (вторая половина XIX – начало XX века)	85

ского языка общеобразовательных школ, непрерывному развитию профессиональных навыков учителей и внедрению эффективных методов оценивания.

SUMMARY

The article presents a scientific and theoretical review of the pedagogical conditions for improving the mechanisms of advanced training for teachers of English in secondary school. The article also emphasizes the need to pay serious attention to strengthening the scientific and methodological support of the process of improving the qualifications of teachers of the English language in general education schools, the continuous development of professional skills of teachers and the introduction of effective assessment methods.

ТАЛАБА- ҚИЗЛАРДА ТАЗЙИҚ ВА ТАЖОВУЗГА ҚАРШИ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ

Ўктамова У.С.

Жиззах давлат педагогика институти

Педагогика психология кафедраси катта ўқитувчиси

Таянч сўзлар: талаба- қизлар, ёт гоя, ҳимоя, миллий ва умуминсоний қадриятлар, содиқлик, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, тарбия, таълим, таъйиқ, тажовуз, дунёқараш.

Ключевые слова: студенты-девушки, иностранные идеи, защита, национальные и общечеловеческие ценности, верность, религиозная терпимость, межнациональное согласие, воспитание, образование, притеснение, агрессия, мировоззрение.

Key words: female students, foreign ideas, protection, national and universal values, loyalty, religious tolerance, interethnic harmony, upbringing, education, oppression, aggression, worldview.

Жаҳонда турли маданият шаклларининг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда умуммаданий дунёқарашни шакллантириш, дунё ҳамжамиятларининг интеграциялашуви асосида умумбашарий қадриятларни ўрганиш ва таълим жараёнига киритишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасида талаба-қизларда таъйиқ ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик имкониятларини ўрганиб чиқиш, уларни ҳар жиҳатдан билимли ва мустақил фикрлайдиган қилиб тарбиялаш юзасидан амалга ошириладиган ислохотлар натижасида таълим стандартлари такомиллаштирилиб, соҳага оид замонавий таълим технологиялари жорий этилмоқда.

Талаба - қизларда таъйиқ ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши, Олий таълим тизимида таҳсил олаётган қизларнинг аксарияти ота- онасидан йироқда эканлиги, шунингдек статистик маълумотларга кўра оилавий ажримларнинг кўпайиб бораётганлиги жамият олдида ҳар бир педагогни талаба - қизлар олдидаги маъсулиятини яна бир қарра оширди. Бугунги кун талабига кўра талаба - қизлар олиб бориладиган ислохотларнинг фаол иштирокчисига айланиши ҳамда оиладаги илик психологик иқлимни яратишга ўрганиши зарурлиги муаммосини қўймоқда. Чунки бундай эҳтиёж педагогикадаги янги парадигма – шахсга йўналтирилган тарбия технологиялари асосини ташкил этувчи жамиятдаги янгича қарашлар– объектив дунёни яхлит идрок этадиган, ўзлигини тушунадиган, инсоний кадр – қимматни улуғлайдиган маънавий баркамол авлодни тарбиялаш мамлакат тараққиёти ва равнақининг бош мезонига айланмоқда.

С.Б.Шарипованинг илмий изланишларида инсон онгининг табиат ва жамиятга муносабати натижасида қарашлари, эътиқоди, идеали асосида пайдо бўлган ижти-

мой-сиёсий, ахлоқий-эстетик ва хулқини ифодаловчи билимлар тизими ҳам унинг дунёқарашидир. Дунёқараш мураккаб тузилмага эга. Олимлар уни муайян билимлар, ғоя ва максадлар, фан ютуқларига, диний тасаввурлар, кадриятлар, ишонч ва эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмларга ажратадилар – деган илмий қарашларига асосланиб талаба- қизларда тазйик ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантириш диний тасаввурлар, кадриятлар, ишонч ва эътиқод, фикр, ҳиссиёт каби таркибий қисмларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари долзарблик касб этаётган бугунги кунда талаба- қизларни санъат, моддий-маънавий мерос, жамиятнинг ғоявий ҳаёт жараёнига кирувчи мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, инсоннинг маънавий шаклланишига ақли, иродаси, ҳиссиётга таъсир этувчи халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, сабр-тоқат, адолат, маърифат, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини ҳар бир ёш онгига сингириш талаб этилади. Шунингдек:

- талаба-қизларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умминсоний кадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;
- талаба- қизларни ўртасида миллий ғояни тарғиб қилиш, уларда давлат рамзлари ва миллий кадриятларга ҳурмат ҳиссини уйғотиш, амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш;
- талаба-қизлар га ҳар томонлама ўрнатилган бўладиган «Замонамиз қаҳрамони» образларини яратиш ва тарғиб қилиш;
- оммавий ахборот воситалари, кино, театр ва мусиқа санъатида ёшлар ўртасида халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга, бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш;

Демак, талаба-қизларни таълим жараёнида тазйик ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантириш таълимий тарбиявий муаммоларни ҳал қилишга қаратилган замонавий таълим парадигмаларига яъни:

- кадриятли (аксиологик) ёндашув маънавий ишлаб чиқариш инсон ҳаётининг мазмуни сифатида;
- фаолиятли ёндашув асосан моддий ва маънавий бойликларни яратишга йўналтирилган фаолиятнинг синалган усуллари сифатида;
- шахсий ёндашув – маънавий ишлаб чиқариш муайян шахс тимсолида намоён бўлади.

Айтиш жоизки, модернизация, техноген цивилизация қизлар «тарбияси»га ҳам таъсирини ўтказмасдан қолмади. Мазкур таъсир кучи улар кундалик турмуш тарзини камраб олмаслиги учун фикримизча қизлар маънавий камолотига алоҳида аҳамият қаратиш лозим. Маънавиятни ҳам бир уйга тўпланган бойликка қиёсласак, ташқаридан кираётган шамол уй ичидаги нарсаларни остин-устин қилиб ташлашини ҳеч бир хонадон соҳиби истамайди. Худди шу каби биз ҳам ёт ғоялар, оқимлар ва мафкуралар маънавиятимизга вайронкор таъсир ўтказишига қарши ҳимоя чоралари кўришимиз табиий. Четдан ўтказиладиган мафкуравий таъсирга қарши ҳимоя чоралари кўришдан аввал қандай таъсирларни маъқуллаш лозиму, қандайларини рад этиш кераклигини аниқлаб олиш лозим. Ҳозирги кунда бирорта ҳам миллий маънавият йўқки, у бошқа халқлар маънавиятидан тўла ихоталанган бўлса.

Маънавиятнинг ижтимоий илдизлари эса маърифий дунёга хос сиёсий, иктисодий, маданий муносабатлар мажмудан иборат бўлиб, асрлар мобайнида инсоният босқичма-босқич дунёвийлик сари интилиб келган. Умумэътироф этилган тамойиллар ва қонун устуворлиги, сиёсий плюрализм, миллатлараро тотувлик, динлараро бағрикенглик каби хусусиятлар дунёвий жамиятнинг асосини ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, «Жаҳолатга қарши маърифат» деган ғоя асосида талаба ёшларга маърифатпарварлик ва ҳурфикрликка интилиш кўникмаларини шакллантириш, улар қалбида эзгулик, ҳамжиҳатлик, тотувликка интилиш каби туйғуларни қарор топтириш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Маънавиятнинг тарихий илдизлари деганда у инсон онги ва руҳияти билан узвий боғлиқ экани ва шу боис унинг ғоявий илдизлари диний таълимотларга бориб такаллиши тушунилади. Яъни кўпгина мафқураларда «Забур», «Таврот», «Инжил», «Қуръон» каби илоҳий китоблар зикр этилган эзгу ғоялар муайян даражада ўз ифодасини топганини кўраемиз.

Хитой халқининг таракқиёт йўлини асослаб берган Конфуций ва Лао Цзининг таълимотлари ҳам илм-фан ва маърифат борасидаги қарашларга асосланган эди. Тарихийлик тамойилига асосланиб башарият тарихида ўчмас из қолдирган Унсурулмаолий Кайковус, Маҳмуд Қошғарий, Имом Бухорий, Мусо Хоразмий, Имом Ғаззолий, Имом Термизий, Имом Мотрудий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Амир Темур каби мутафаккирлар томонидан яратилган илмий ва дидактик манбалар тарбияшуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Қайси давлатнинг ёшлари юксак маънавиятли, билимли ва интеллектуал етуқ бўлса, унинг халқи, фуқаролари бахтиёр бўлади.

Айтиш ўринлики, маънавият ва маърифат тушунчаси кенг қамровли бўлиб, кишининг ақлу заковати руҳий дунёсини, олам ҳақидаги фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, эстетик, диний ва бошқа қарашларини, тасаввурларини, бир-бирларига, оилага бўлган муносабатларини ифодалайди. Шу нуқтаи назардан талаба- қизларни таълим жараёнида тазйиқ ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантириш, уларнинг ақлий меҳнати натижаларини ва ўзликни англашларига хизмат қилади. Ақлу заковат, ҳис – туйғу, руҳий салоҳият уйғунлиги маънавиятнинг мазмунини ташкил этади. Маънавиятнинг бунёдкорлик, ўзгартирувчилик, бошқарувчилик, ихтирочилик, йўналтирувчилик каби хусусиятлари ёшлар интеллектуал ривожланишининг муҳим шарт, кафолатлидир дея айта оламиз.

Шунингдек талаба- қизларни таълим жараёнида тазйиқ ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантиришда ахлоқ илмини ҳам сингдириш муҳим.

А. Чориев ахлоқ илми ва ахлоқий маданиятни қуйидагича тавсифлайди: «Ахлоқ – сизнинг зийнатингиз», «Ахлоқ – ижтимоий муносабатларнинг бир кўриниши, кишилар ўртасида таркиб топадиган ўзаро боғлиқлик ва алоқалар мажмуасидир». Ахлоқий маданият – ахлоқий камолот меъёрларига эришиш даражасидир. Қундалик турмушда, иш фаолиятида амал қилинадиган «хазина». Ахлоқий маданият – ахлоқий онг, билим, ахлоқий муносабат ва ахлоқий фаолиятдир.

Шундан келиб чиққан ҳолда талаба-қизларда тазйиқ ва тажовузга қарши дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик имкониятларини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари:

- юксак маънавиятли, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқарашга эга бўлган фидойи ва ватанпарвар талаба- қизларни тарбиялаш
- оммавий ахборот воситалари, кино, театр ва мусиқа санъатида талаба- қизлар ўртасида халқимиз маънавиятини, миллий истиқлол ғоясини тарғиб қилишга,

бугунги ислохотларнинг моҳиятини ёритишга қаратилган тизимли ишларни ташкил этиш;

- талаба- қизларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш;
- миллий қадриятларимиз, урф – одат ва анъаналаримиз, тарихий меросимиз манбаларига таяниб талабаларнинг билим ва тасавурларини ривожлантириш қонуниятларини таҳлил қилиш;
- тарихий ва миллий хусусиятлар контекстида талабаларни меҳмондўстлик, байналминал дўстлик, маданиятлараро минтақавий ҳамкорлик руҳида тарбиялаш муҳим педагогик аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони// «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 й. «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» ПФ-5847 Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2019 йил 9 октябрь. www.lex.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февраль, ПФ-5325-сонли «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2018 йил 2 февраль. www.lex.uz.

4. Жамолдинова.О.Р Ёшлар соғлом турмуш маданиятини ривожлантиришда узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари амал қилишининг педагогик механизмларини такомиллаштириш. П.ф.д. даражасини олиш учун ёзилган дисс. Тошкент: ЖДПИ . 2015 - 100 б

5. Эргашев И ва дарслик тузиш учун гуруҳ аъзолари Э.Набиев, Н.Комилов, С.Мамашокиров, С.Отамуротов, А.Бегматов, И.Каримов, М.Бекмуродов, М.Ортиқов, Н.Умарова, И.Хўжамуродов, А.Холбеков, У.Обилов, Т.Норбоев, У.Саидов, М.Курыонов, Д.Норкулов, М.Жакбаров. Миллий истиклол ғояси. Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат ва жамият қурилиши академияси. (Ўзбекистон Республикаси Олий таълим бакалаврият босқичи учун дарслик). – Тошкент: 2005. – Б 23.

6. Чориев А. Маънавиятимиз сарчашмалари: «Миллий истиклол» ва «Маънавият асослари» курслари учун ўқув қўлланма. - қарши.: насаф, 2004. – 92 б.

7. Маҳмудова Г.И. Олий педагогик таълим тизимида талабаларни маънавий шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик хусусиятлари: - Пед. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т.: 2004. – 22 б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада талаба - қизларда таъйик ва таъжовузга қарши дунёқарашни шакллантиришнинг педагогик имкониятлари, шунингдек мазкур масала бугунги куннинг долзарб муаммоси сифатида қаралиши илмий назарий жиҳатдан ёритиб берилган. Шунингдек, мақолада талаба-қизларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялаш маънавий дунёқарашларини бойитиш муҳим аҳамият касб этиши атрофлича таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье описаны педагогические возможности формирования мировоззрения студентов против притеснения и агрессии, а также то, что этот вопрос сегодня считается актуальным. В статье также анализируется важность защиты учащихся от влияния чужих идей,

воспитания их в духе верности национальным и общечеловеческим ценностям, религиозной толерантности и межнационального согласия, обогащения их духовного мировоззрения.

SUMMARY

This article describes the pedagogical possibilities of forming the worldview of female students against oppression and aggression, as well as the fact that this issue is considered relevant today. The article also analyzes the importance of protecting students from the influence of other people's ideas, educating them in the spirit of loyalty to national and universal values, religious tolerance and interethnic harmony, enriching their spiritual worldview.

ҚОРАҚАЛПОҚ ШОИР-ЖИРОВЛАРИ ИЖОДИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҒОЯЛАРИ

Оразымбетов Е.К.

Нукус давлат педагогика институти стажёр тадқиқотчиси

Таянч сўзлар: ватанпарварлик, қорақалпоқ, ватан, тарих, Туркистон, Орол денгизи, Аму-дарё, қорақалпоқ халқ педагогикаси, классик шоир, миллий ғоя.

Ключевые слова: патриотизм, каракалпак, родина, история, Туркестан, Аральское море, Амударья, каракалпакская народная педагогика, поэт-классик, национальная идея.

Key words: patriotism, Karakalpak, homeland, history, Turkestan, Aral Sea, Amu Darya, Karakalpak folk pedagogy, classic poet, national idea.

Қорақалпоқ халқ педагогикасида ёшларга Ватан, эл-юрт тақдирига меҳр-муҳаббат туйғусини уйғотадиган асарлардан тарихий жирлар катта аҳамиятга эга. Тарихий жирлар халқнинг бошидан ўтказган тарихий воқеалар асосида яратилади, тарихий жир бўлиб номланишининг сабаби ҳам шундадир. Улар халқ жирчилари томонидан ҳар замонлардан буён жир бўлиб жирланиб келган. Шу туфайли «жир» сўзини кўшиб «тарихий жир» деб номлашга бўлади.

Қорақалпоқ оғзаки адабиётининг тарихий жир жанри қисқача қўйидагилардан иборат: қорақалпоқларнинг Едил-Жайиқ дарёси бўйларидан булгунчиликка учраб, Туркистонга – Жаңа дарёга кўшиб ўтганлиги ҳақида жирланган тарихий жирни «Орманбет бий толғаўи» ал, қорақалпоқларнинг Туркистондан Хоразм уйпатлилига кўшгани тўғрисида Жийен жиров яратиб жирлаган жирнинг номини «Посқан ел толғаўи» деб номланади.

Қорақалпоқ жировлари жирлайдиган «Орманбет бий толғаўи» қорақалпоқлар хони Орманбет бий ўлгандан сўнг ноғайли иттифоқининг тарқалиб кетиши ҳақидаги тарихий воқеаларни сўз этади.

«Орманбет бий» тўлғови шундай бошланади:

*Артыў-артыў таўлардан,
Аса көшти көп ногай,
Едил менен жайықтан,
Жабыла көшти көп ногай,
Орманбет бий өлгенде,
Он сан ногай бүлгенде
Орманбеттей бийлерден,
Ул қалмады, қыз қалды. ...*

Булгунчиликдан қутулиш учун Ноғайли бийлерининг маслаҳатлашгани тўлғови қўйидагича таърифланади:

Тинчликпарвар халқ қозок хонларининг узлуксиз ҳужмидан оғир ҳолатга тушади.